

**Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва
виночилик илмий-тадқиқот институти**

К. И. Байметов, Е. А. Шредер, Ш. М. Ахмедов

**Ўзбекистон фермер хўжаликларида ўрик кўчатларини
кўпайтириш технологияси бўйича
тавсиялар**



Тошкент – 2015



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

**Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC**

Ушбу тавсиялар Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликларида зарарни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Тавсиялар Тошкент давлат аграр университети Ўрмончилик ва экология кафедраси профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори А.Қ.Қайимов умумий таҳрири остида Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти мева-резавор экинлари ва узум бўлими мудирини қишлоқ хўжалик фанлари доктори К.И.Байметов, Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Мева экинлари селекцияси ва навшунослиги бўлими илмий ходимлари Е.А.Шредер ва Ш.М.Ахмедовлар томонидан тузилган. Бундан фермер хўжаликлари ўрик кўчатини етиштиришда амалий қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (М.Мирзаев номли БУваВ ИТИ)

Манзил: 111116, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон ҚФЙ, Чимкент йўли кўчаси

Тел.: (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82; **Факс:** (+99871) 220-26-48

Эл. почта: mevaiti@qsxv.uz, meva-uzum@exat.uz

Муқовада: Фермер Сатликов Байрамдурди (Шўраҳон қишлоғи, Тўрткўл тумани, Қорақалпоғистон Республикаси) ўрик кўчатзорининг биринчи даласи.

Мундарижа

Кириш.....	4
Кўчатзорни барпо этиш.....	5
Пайвандтагларни танлаш	6
Уруғ тайёрлаш ва экиш	7
Кўчатзорнинг биринчи даласи	7
Пайвандлаш.....	8
Кўчатзорнинг иккинчи даласи	9
Кўчатларни қовлаб олиш.....	10
Кўчатларни касал ва зараркунандалардан сақлаш	10
Фойдаланилган адабиётлар.....	10

Кириш

Республикамизда ўрик асосий данакли мева экинларидан бири ҳисобланади. У ҳамма ерда тарқалган ва фермер хўжаликларида ва томорқаларда кенг етиштирилади.

Ўзбекистон маданий ўрик навларининг шаклланиш марказларидан бири. Ўрик боғлари асосан Сурхондарё, Фарғона, Зарафшон водийларида ва Хоразм воҳасида жойлашган.

Ўрик тарқалган ҳудудлар бир-биридан тупроқ ва иқлим шароитлари бўйича ажралиб туради. Бу эса ўрикнинг маҳаллий навлар мажмуисининг шаклланишига кучли таъсир ўтказган. Шунинг учун ҳар бир ҳудуд ўзининг навлар гуруҳига эга.

Ўрик тез ҳосилга кирувчи экин бўлиб, экилгандан кейин 2-3 йили ҳосилга киради ва мунтазам равишда юқори ҳосил беради.

Ўрик эрта гуллайдиган ва эрта пишадиган ўсимлик. Унинг мевасидан юқори сифатли қуритилган маҳсулотлар – баргак, қайса ва туршак олинади.

Республикамизнинг табиий-иқлим шароитлари ўрик етиштириш учун жуда қулай. Лекин мавжуд навлар мажмуиси замон талабларига жавоб бермайди.

Ўрикнинг тарқалган кўп навлари совуққа етарли даражада чидамли эмас, эрта гуллаш оқибатида генератив органлари кеч баҳор аёзлари билан шикастланади ва кўпинча клястероспориоз билан шикастланади. Шу сабаблардан аҳолини ҳўл мева, қайта ишлаш саноатининг хомашё билан таъминлаш қониқарли даражада эмас.

Ўрик навлар мажмуисини такомиллаштириш зарур ва бунинг учун:

- фермер хўжаликларига ўрикнинг янги жадаллашган навларини тадбиқ этиш;
- қари, кам ҳосилли ўрик боғларини қайта тиклаш;
- мавжуд ўрик боғларини кенгайтириш;
- янги ўрик боғларини барпо этиш зарур.

Булар ўрикнинг истиқболли навларини кўпайтириш билан боғлиқ.

Ўзбекистон ҳудудини Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликларида зарарни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида ўтказилган кузатувлар республикамизнинг барча ҳудудларида фермер хўжаликларида мевали экинлар, шу жумладан, ўрик ҳам кенг миқёсда кўпайтирилмоқда.

Ҳозирги пайтда фермер хўжаликларида ўрикнинг 19 нави кўпайтирилмоқда. Шуларнинг кўпчилиги Ўзбекистон республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат Реестрига киритилмаган [2]. Улар асосан халқ селекцияси томонидан яратилган маҳаллий навлардир. Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятида кўпайтирилаётган навларнинг барчаси маҳаллийдир.

Айрим фермерлар мева экинларни кўпайтириш бўйича яхши натижаларга эришган. Уларнинг кўчатзоридан юқори сифатли стандарт кўчатларни чиқиши юқори. Хоразм вилояти Урганч тумани Оқ олтин қишлоғидан Собирова Г.; Хонқа тумани Сарапоян қишлоғидан Юсупов Б.; Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл

тумани Шўрахон қишлоғидан Арабов А.; Сурхондарё вилояти Денов тумани Дендрария қишлоғидан Ортиқов М.; Самарқанд вилояти Самарқанд туманидан Ҳайдаров Б., Ургут тумани Ғус қишлоғидан Рахимов А.; Наманган вилояти Наманган туманидан Юлдашев Ш.; Тошкент вилояти Зангиота тумани Гулистон қишлоғидан Рихсиев А. ва бошқалар мевали экинларни, шу жумладан, ўрикни ҳам кўпайтиришда яхши натижаларга эришдилар.

Фермер хўжаликлари фаолияти билан танишиш, давра суҳбатларини ўтказиш, мевали экинларни кўпайтириш масалаларини муҳокама қилиш баъзан фермер томонидан етиштирилаётган кўчатлар андоза талабларига жавоб бермаслигини кўрсатди. Уларда мева кўчатзорида етиштирилаётган кўчатлар миқдори ҳали етарли даражада эмас.

Бунинг асосий сабаблари қуйидагилар:

- мевали экинлар кўпайтириш технологияларига риоя қилмаслик;
- кўчат етиштириш бўйича билим даражасининг ва касбий кўникмаларнинг пастлиги;
- уруғларни йиғиш, сақлаш, экишга тайёрлаш ва пайвандтаг учун экиш жараёнларига риоя қилмаслик;
- пайванд қилиш материалларини тайёрлаш ва пайвандни муддатида бажармаслик;
- мева кўчатзорида агротехник тадбирларни ўз пайтида ўтказмаслик ҳам мева кўчати сони ва сифатига таъсир ўтказади.

Ушбу тавсиялар фермерлар учун мева экинларини кўпайтиришда амалий қўлланма бўлади.

Кўчатзорни барпо этиш

Ўрик кўчатларини кўпайтириш бошқа данакли экинларини кўпайтириш усулларига жуда яқин, лекин биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уруғли мевали экинларникидан (олма, нок) фарқ қилади. Ўрик кўпайтирилаётганда кўчатзорнинг уруғ экиш бўлимидан фойдаланилмайди.

Ўрик данаклари тўғридан-тўғри мева кўчатзорининг биринчи даласига экилади. Ўрикни кўпайтириш билан шуғулланаётган ҳар бир фермерни оналик боғи бўлиши керак. Кўпайтирилаётган ҳар бир навнинг оналик дарахтлари бўлиши шарт. Пайванд қилиш учун керакли бўлган қаламчалар шулардан олинади.

Уруғ олиш учун оналик уруғли боғ ёки дарахтлари бўлиши керак. Бу дарахтлардан уруғлар (данаклар) пайвандтаг учун тайёрланади. Бу дарахтларнинг сони кўпайтирилаётган кўчат миқдорига боғлиқ. Оналик боғлар соғлом, касал ва зараркунандалардан холи бўлишлари керак.

Айниқса дарахтларнинг клястероспориоз касаллиги билан шикастланганлигига катта эътибор берилиши лозим. Чунки бу касаллик кўчатзорнинг биринчи ва иккинчи далаларига тез тарқалади ва кўчат сони ва сифатига салбий таъсир ўтказади [4].

Кўчатзор учун ер майдони катта бўлмаган нишабли, текис, унумдор жой танланади.

Юқори сифатли, стандарт кўчатлар олиш учун кўчатзорда уларнинг нормал ўсиш ва ривожланишига ҳамма шароитлар яратилиши зарур.

Ботқоқлаган, шўрланган тупроқлар, кўчатларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатади ва бундай жойдан кўчатзор учун фойдаланилмайди. Бундай тупроқларда ва ер ости сувлари яқин бўлган жойларда дренаж-мелиорация ишлари ўтказилгандан сўнг кўчатзор учун фойдаланиш мумкин. Ер ости сувлари тупроқ сатҳидан камида 1,5 м чуқурликда жойлашиши керак.

Ҳамма фермерлар учун кўчатзорда ҳисоб-китоб ва қузатувларни олиб бориш учун журнал тутиш тавсия этилади.

Пайвандтагларни танлаш

Ўрик вегетатив ва генератив (уруғ) йўллари билан кўпаяди. Генератив йўл билан кўпайганда ота-она шаклларининг асосий морфологик ва биологик хусусиятлари тўла такрорланмайди. Шу сабабдан битта дарахтдан олинган ниҳоллар ўсиш кучи, маҳсулдорлиги, пишиш муддатлари ва бошқа муҳим хўжалик белгилари бўйича бир-биридан фарқ қилади.

Буни эътиборга олиб мевали экинлар, шу жумладан ўрик ҳам, вегетатив йўл билан асосан пайвандлаш йўли билан кўпаяди ва она дарахтларнинг белги ва хусусиятлари сақланиб қолади.

Пайвандтаг сифатида ўрик учун уруғли пайвандтаглардан фойдаланилади. Пайвандтаг танлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дарахтларнинг ноқулай тупроқ-иқлим шароитларига – тупроқ шўрига, сизот сувларининг яқин жойлашишига, қурғоқчиликка ва бошқа омилларга бўлган чидамлилиги пайвандтагга боғлиқдир.

Пайвандтаг дарахтларнинг ўсиш кучига, тез ҳосилга киришига, ҳосилдорлигига, мунтазам равишда ҳосил беришига, мева сифатига, вегетация даврининг давомийлигига кучли таъсир кўрсатади (расм-1).



Расм 1. Ўриқнинг она-уруғли дарахтлари.


Танланган пайвандтаг шу ҳудудда дарахтларнинг ўсиш ва ривожланишини чекловчи омилларга чидамли бўлиши керак. Кўпчилик мева экинлари учун боғ ташкил қилинаётган ҳудудда ўсаётган экин турининг маҳаллий шакллари уруғи энг яхши ҳисобланади. Ўрик учун асосий пайвандтаг маҳаллий шакл ва навларининг ниҳоллари ҳисобланади. Уларнинг униб чиқиш қобилияти юқори ва дарахтлар яхши ривожланади.

Сернам, оғир тупроқларда пайвандтаг сифатида тоғ олчанинг маҳаллий шаклларидан фойдаланиш мумкин [3]. Олхўрини ўрик учун пайвандтаг сифатида фойдаланиш тавсия этилмайди. Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудларида – Хоразм

вилояти, Қорақалпоғистон республикасида маҳаллий майда мевали ўрик шакллари ўрик учун энг яхши пайвандтаг ҳисобланади [1].

Уруғ тайёрлаш ва экиш

Мева кўчатзорига экиш учун данаклар оналик уруғли боғлардан олинади. Дарахтлар соғлом, касал ва зараркунандалардан холи бўлишлари керак. Данаклар кеч пишадиган шакллардан тайёрланади, чунки эрта пишар шакллар ва навларнинг унувчанлиги жуда паст бўлади. Данаклар пишган мевалардан олинади. Олинган данаклар ювилади ва қуритилади. 1 кг данак олиш учун 15-30 кг ўрик меваси керак. 1 кг да 750 тадан данак бўлиши мумкин.



Расм 2. Ўрик данакларини стратификациялаш:

А – 1 қисм данак, Б – 5 қисм дарё қуми.

Экишгача данаклар қуруқ яхши ҳаво алмашадиган хоналарда қопларда ёки ёғоч яшиқларда сақланади. Янги олинган уруғ бошқа мевали дарахт уруғларига ўхшаб, ўсиш қобилиятига эга эмас. Улар ўсишга етилиб пишиш давридан

ёки тиним давридан ўтишлари керак. Бу даврнинг давомийлиги ҳар хил мевали экинларда ҳар хил бўлиб, уларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ. Етилиб пишиш даврининг давомийлиги бодом ва ёнғоқда – 45-60 кун, беҳида 60-70 кун, ўрик ва шафтолида 90-100 кун, олма ва ноқда 100-120 кун, камхастақда 130-150 кун, тоғ олчада 150-200 кун, олча ва гилосда 200-250 кунни ташкил этади.

Уруғлар етилиб пишиши учун қумда стратификация қилинади. Бунинг учун ювилган ва қуритилган дарё қумининг 5 қисмига 1 қисм данак аралаштирилади ва намланади. Экишга қадар улар намланиб турилади. Данаклар 0°C дан 10°C гача бўлган ҳароратда стратификация қилинади. Энг оптимал ҳарорат 4-5°C ҳисобланади. Ҳарорат 0°C дан паст ва 10°C дан юқори бўлса уруғлар ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Данаклар кузда ёки баҳорда тўғридан-тўғри кўчатзорнинг биринчи даласига экилади (расм-2).

Кузда экилса данаклар стратификация қилинмайди. Баҳорда фақат стратификация қилинган данаклар экилади.

Кўчатзорнинг биринчи даласи

Мевали экинларнинг кўчатзори тупроқ унумдорлигига жуда талабчан. Шунинг учун кўчатзор учун ер тайёрлашга катта эътибор берилиши керак. Бунда кўчатзор илдиз системасининг жойлашишини ҳисобга олиш зарур. Кўчатларнинг илдиз системаси асосан 20-30 см чуқурликда шаклланади ва жойлашади. Буни ҳисобга олиб кўчатзорнинг биринчи даласини камида 30 см чуқурликда органик ва минерал ўғитлар солиб ҳайдаш керак. Типик бўз тупроқларда 25-30 т/га чириган гўнг, 90 кг фосфор, 30 кг/га калий солинади.

Унумдорлиги паст тупроқларда ўғитларнинг миқдори 1,5 марта кўпроқ бўлиб, тупроқ боронланади ва текисланади. Шўрланган тупроқлар яхшилаб ювилади.

Ўрик данаклари кўчатзорининг биринчи даласига экилади (расм-3). Тупроқнинг механик таркибига қараб қатор оралари 70-90 см бўлиб типик бўз тупроқларда 4-5 см чуқурликда, механик таркиби енгил бўлган тупроқларда 5-6 см чуқурликда экилади.



Расм 3. Сабзипоя қишлоғи Термиз тумани, Сурхондарё вилоятидан фермер Йўлдошев Шоди ўрик кўчатзорининг биринчи даласи. ниҳолларнинг бўйи 10-12 см бўлганда, иккинчи марта пайвандлашга 35-40 кун қолганда азот ўғитлари билан озиқлантирилади 150-200 кг/га ҳисобида.

Уруғлар кўкариб чиққунча қатқалоқлар юмшатилади, ўз пайтида суғорилади, бегона ўтлардан тозаланади. Керак бўлса ниҳоллар сийраклаштирилади.

Суғориш эгатлар бўйича ҳар 10-12 кунда амалга оширилади. Бунда кўчат илдизлари жойлашган чуқурликда (40 см гача) намлик ҳардоим етарли даражада бўлиши керак. Қатор оралари 10-12 см чуқурликда 5-6 марта, қаторлар 3-4 марта юмшатилади.


Вегетация даврида кўчатзорнинг биринчи даласида биринчи марта иккинчи марта пайвандлашга 35-40 кун қолганда азот ўғитлари билан озиқлантирилади 150-200 кг/га ҳисобида.

Пайвандлаш

Ўрик пайвандтағни диаметри 10-12 мм бўлганда, июль охири – август бошларида пайванд қилинади. Пайванд қилишдан 3-5 кун олдин шира ҳаракатини кучайтириш ва пўстлоқ ажралишини яхшилаш учун суғорилади, ва пайвандлашдан олдин унинг поялари 15-20 см баландликда ён шохларидан тозаланади (расм-4).

Қаламчалар бир йиллик новдалардан тайёрланиб, унинг учки етилмаган қисми ва барглари олиб ташланади. Фақат баргнинг 1 см узунликдаги барг банди қолдирилади. Тайёрланган қаламчаларга нав номи ёзилиб, сув солинган челақда сақланади. Пайвандлашда қўллар ва асбоб-ускуналар тоза, пайвандлаш пичоғи ўткир бўлиши шарт.

Пайвандтагнинг илдиз бўғзи очилиб, нам латга билан тозаланади ва пичоқ билан “Т” ҳарфи шаклида кесилади ва пўстлоғи очилади. Пайванд қилинаётган нав қаламчасидан узунлиги 2-2,5 см келадиган бир куртакли қобиқ кесиб олинади ва пайвандтагнинг пўстлоғи ичига қўйилади, боғлағич материаллар билан ўраб боғланади.



Расм 4. «Т»-шаклида пайвандлаш:

а – куртакни кесиш, б – уруғкўчат пўстини «Т»-шаклида тилиш, в – кесилган жойга куртакни жойлаш, г – пайванд қилинган жойни боғлаш, д – тутиб кетган куртак.

Кўчатзорнинг иккинчи даласи

Пайванд қилингандан кейин дала суғорилади. Куртаклар ўз пайтида кўкариб кетиши учун шира ҳаракати бошлангунча ток қайчи билан пайванд қилинган куртак устидан 30° нишабда пайвандтаг танаси қирқиб ташланади. Қирқиб фақат бурчак остида бажарилиши керак. Тўғри кесилса қирқилган жойнинг битиши қийин бўлади. Бойлағич материаллар ҳам олиб ташланади (расм-5).



Расм 5. Сурхон қишлоғи Жаркўрғон тумани, Сурхондарё вилоятидан фермер Бўриев Бадал, кўчатларни кўчатзорнинг иккинчи даласида етиштириши.

Пайванд қилинган куртаклар ўсиши билан илдиз бўғзи атрофидан бачки новдалар чиқиши мумкин. Улар зудлик билан олиб ташланади. Кейинги парваришлар пайванд қилинган куртакларнинг ўсишига ва шохланишига қаратилади. Бунинг учун ёз давомида кўчатзорнинг иккинчи даласи 8-12 марта, шағалли тупроқларда 16 мартагача суғорилади, қаторлар ва қатор оралари юмшатилади ва азот ўғитлари билан (60 кг/га) озиқлантирилади.

Пайванд қилинган куртақдан ўсиб чиққан новдага шакл берилади.


Бу жараён май ойидан бошланиб август ойигача давом этади. Кўчатларнинг бўйи 70-80 см бўлганда уларнинг учки қисмидан 10-15 см шакланган барггача қирқиб ташланади.

Танасининг энг учки қисмидаги куртақдан новданинг ўсиши давом эттирилади. Ён томондаги куртақлардан ён новдалар ўсиб чиқади.

Ўсимлик танаси атрофида бир текис жойлашган новдалар қолдирилади ва улар келажакда дарахт шох-шаббасини шакллантиради, 50-70 см баландликда ўсимлик штамби қолдирилади.

Кўчатларни қовлаб олиш

Кўчатлар қузда барглари тўкилгандан сўнг қовлаб олинади. Қовлаш пайтида илдиз системасини, кўчат штамбини эҳтиёт қилиш керак. Қовланган кўчатлар икки гуруҳга бўлинади.



Расм 6. Ўрик кўчатларини қўмиб қўйиш.

Биринчи гуруҳга илдиз системаси механик шикастланмаган, касалланмаган, узунлиги 35 см дан кам бўлмаган, шохланиб, камида учта тармоқ етган, штамби текис, шикастланмаган, танасида узунлиги 50 см дан кам бўлмаган 3-4 асосий шохлардан иборат бўлган кўчатлар киради. Иккинчи гуруҳга илдизнинг узунлиги камида 25 см бўлган, шох-шаббасида узунлиги 35-40 см бўлган камида иккита асосий шохдан иборат бўлган кўчатлар киради.

Кўчатлар саралангандан сўнг 5-10 донадан бойланади ва ҳар биттасига экин тури ва нав номи ёзилади. Сараланган кўчатлар алоҳида қўмилади (расм-6).

Кўчатларни касал ва зараркунандалардан сақлаш

Кўчатзорда ўсимликларни зараркунанда ва касалликлар билан зарарланишини аниқлаш ва уларга қарши қураш чораларини ишлаб чиқиш учун уларни мунтазам равишда қўздан кечириб чиқишимиз лозим.

Ўрик кўчатларига асосан клястероспориоз катта зарар етказади. Замбуруғли касал бўлиб мева, новдаларни шикастлайди. Баргларида думалоқ доғлар пайдо бўлиб, қуриб тўкилиб кетади. Новдаларини кучли зарарлаб шира ҳаракатини бузади. Кўчатлардаги куртақлар қуриб қолади.

Қураш чоралари: 3% Бордо суюқлиги, 1% мис купороси ёки 0,1% Топсин М, Байлетон, 0,03% Вектра пуркалади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Байметов К.И., Турдиева М.К., Назаров П.Т. Особенности возделывания местных сортов абрикоса в Узбекистане. Ташкент, 2011.
2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат Реестри. Тошкент, 2014. 94 стр.
3. Мирзаев М.М. Культура абрикоса в Узбекистане. Изд-во «Шарк». Ташкент, 2000.
4. Татаринев А.Н., Зуев В.Ф. Питомник плодовых и ягодных культур. Москва, 1984.